



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-12>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodijjon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Садибекова Молдир Сеилхановна</b> СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙ «ГОСУДАРСТВЕННАЯ УСЛУГА» И «ПУБЛИЧНАЯ УСЛУГА» ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ КАЗАХСТАНА И УЗБЕКИСТАНА.....	5
<b>2. Камалова Гулноза Абдубаситовна</b> КРУПНАЯ СДЕЛКА ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЩЕСТВ: ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ И ПРОБЛЕМЫ ПРАВОПРИМЕНЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	15
<b>3. Алиходжаев Комил Кадинович</b> АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	23
<b>4. Хакимова Камола Фаррух кизи</b> ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АДВОКАТОВ И ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ УЗБЕКИСТАНА: БАЛАНС ЭФФЕКТИВНОСТИ И АДВОКАТСКОЙ ТАЙНЫ.....	32
<b>5. Сафаев Мансурбек Илхомжонович</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ.....	42
<b>6. Ahmadjonov Sultonbek Shukurillo o'g'li</b> QALBAKI PUL, AKSIZ MARKASI YOKI QIMMATLI QOG'OZLAR YASASH VA ULARNI O'TKAZISH JINOYATINING AYRIM JINOIY-HUQUQIY, KRIMINOLOGIK HAMDA TERGOV TAKTIKASI JIHATLARI (O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JK 176-MODDASI MISOLIDA).....	52
<b>7. Ergashev Xudoberdi Rahmatjon o'g'li</b> AXLOQ TUZATISH ISHLARI JAZOSINI IJRO ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MASALALARI VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH CHORALARI.....	59
<b>8. Xolmirzayeva Shoxista Arziqul qizi</b> NOQONUNIY MIGRATSIYA VA TRANSMILLIY JINOYATCHILIK: XALQARO HUQUQIY NAMKORLIK MECHANIZMLARINING TAKOMILLASHUVI.....	66
<b>9. Тилеуов Еркинбай Муратбаевич</b> ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	75
<b>10. Ёкубжонов Алишер Шерзод ўғли</b> ПОНЯТИЕ НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ ЧАСТНОЙ ЖИЗНИ ЛИЧНОСТИ И ВОПРОСЫ ЕЕ ОХРАНЫ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ.....	86
<b>11. Зокиров Сардор Каримжонович</b> МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФУНКЦИИ ЗАЩИТЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВОСУДИЯ.....	95
<b>12. Нурматов Равшан Бегмаматович</b> ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ПРОБАЦИЯСИНИНГ МАЗМУН – МОҲИАТИ.....	102




**Тилеуов Еркинбай Муратбаевич,**

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти доценти,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: tileuov.erkinbai@gmail.com

## ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation:** Tileuov Yerkinbay Muratbaevich. CHARACTERISTICS OF YOUTH CRIME. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 12.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509260>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф томонидан замонавий Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида назарда тутилган ёшлар томонидан содир этиладиган жиноий қилмишларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий позициялардан кўриб чиқилади. Хусусан, миллий жиноят қонунчилигида мавжуд ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг асосий криминологик детерминантлари, шунинг билан бирга уларга таъсир қилуви омиллар ҳам очиб берилган. Ўрганилган тадқиқот натижалари асосида, ёшлар орасида содир этилаётган жиноятлар, ёшларда мавжуд бўлган ғайриижтимоий ҳулқ-атвор, эр-хотиннинг оилавий ажримлари сони ва шулар ҳақида муаллиф томонидан назарий тўхтамлар ва ҳулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ёшлар жиноятлари, криминологик детерминанталар, сабаб, шарт-шароит, алкоғолизм, оила.

**Тилеуова Еркинбая Муратбаевича,**

Доцент Нукусского государственного педагогического института  
имени Ажинияза, доктор философии (PhD) по педагогическим наукам  
E-mail: tileuov.erkinbai@gmail.com

## ОСОБЕННОСТИ МОЛОДЕЖНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассматривает причины и условия преступных деяний, совершаемых молодежью, предусмотренные современным уголовным законодательством Республики Узбекистан, с социально-политической и правовой позиций. В частности, раскрыты основные криминологические детерминанты данной категории преступников, существующие в национальном уголовном законодательстве, а также факторы, влияющие на них. На основе результатов изученного исследования автором представлены теоретические выводы и заключения о преступлениях, совершаемых среди молодежи, антисоциальном поведении, существующем среди молодежи, количестве семейных разводов супругов и других факторах.

**Ключевые слова:** Преступления молодежи, криминологические детерминанты, причина, условия, алкоғолизм, семья.

**Tileuov Yerkinbay Muratbaevich,**  
Associate Professor of the Ajiniyaz Nukus State Pedagogical Institute, UZ  
Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Sciences  
E-mail: tileuov.erkinbai@gmail.com

## CHARACTERISTICS OF YOUTH CRIME

### ANNOTATION

In this article, the author examines the causes and conditions of criminal acts committed by young people, provided for by the current criminal legislation of the Republic of Uzbekistan, from socio-political and legal positions. In particular, the main criminological determinants of this category of criminals, as well as the factors influencing them, are revealed in national criminal legislation. Based on the results of the study, the author presents theoretical conclusions and conclusions about crimes committed among young people, antisocial behavior among young people, the number of marital divorces between spouses, and so on.

**Keywords:** Youth crimes, criminological determinants, cause, conditions, alcoholism, family.

Жиноятчилик ҳодисасини бир бутун деб оладиган бўлсак, ёшлар жиноятчилиги унинг ажралмас, асосий қисми ҳисобланади. Чунки, ўсмирлик ёки ўспиринликда содир этилган жиноят баъзан кишига бутун умр ҳамроҳ бўлиши мумкин сабаби шундаки, жиноятчиларнинг кўпчилиги биринчи жиноятини вояга етмасидан содир этганлигини кўришимиз мумкин. Шу боисдан дунё микёсида ёшлар жиноятчилиги муаммосини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва унинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Бинобарин, мавзуга оид тадқиқотларда қуйидаги хусусиятларга эга бўлган ёшларни жиноятчилик содир этишга мойил бўлганлигига асосланган:

«Ҳар қандай жиноий ҳаракат, аввало одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва ҳислатларини акс эттиради» [1, 51];

илгари жиноий жавобгарликка тортилганлар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар, моддий жиҳатдан етишмовчилик қийнаётганлар, олий маълумотга эга бўлмаганлар, ажрашган ёки оилали бўлмаганлар, мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қиладиганлар, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган ёки ишсизлар [2,18-23].

ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мойил шахслар [3, 303];

туғма психологик хусусиятларга, яъни ғайриқонуний ҳаракатларни амалга оширишга ундайдиган психологик жиҳатларга эга бўлганлар, ғайриқонуний ишларни касб қилиб олганлар, мураккаб психологик муҳит ҳукмрон бўлган тўлиқ бўлмаган оилада яшаётганлар [4, 22-23];

енгил йўл билан бойлик орттиришга интилувчилар [5, 10].

Айни дамда А.Г.Лекаръ ва А.Ф.Зелинскийлар «ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш» ва «ёшлар жиноятлар профилактикаси» атамалари фарқланади, деб ёзишадир. Уларнинг фикрича, «ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш» деганда, муайян жиноят содир этилишига қаршилик кўрсатишни, «ёшлар жиноятлар профилактикаси» деганда, эса – ёшлар томонидан тайёрланаётган ва содир этилаётган жиноятларга йўл қўймаслик[6, 4] тушунилади. Шунингдек, бу борада, Г.А.Авенесов юқорида санаб ўтилган атамалар бир-бирини истисно этмаслигини, улар ўртасида фарқдан кўра ўхшашлик кўпроқ эканлигини, моҳиятан улар турдош эканлигини [7, 339] таъкидлайди.

Ўрганилган адабиётлар, социологик сўров ва ёшлар жиноятчилигига оид статистик маълумотлар таҳлилларига асосланиб, ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи омилларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) ёшлар онгида носоғлом маънавий-рухий муҳит; б) ёшларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги; в) ёшларда мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор; г) ёшлардаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар; д) ёшларнинг спиртли ичимликка ружу қуйиши. Мазкур ҳолатларни таҳлил қиламиз.

**1. Ёшлар онгида носоғлом маънавий-руҳий муҳит.** Ёшлар жиноятчилиги, энг аввало оиладаги носоғлом маънавий-руҳий муҳитнинг мавжудлиги билан тақозо этилади.

Криминолог олимларнинг таъкидлашича, шахс шаклланишида оиладаги муҳит долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, Ю.М.Антоняннинг фикрича, оиладаги ёшлар жиноятчилигининг асосий сабабларидан бири – ота-онанинг фарзандига меҳр қўймаганлиги, унинг тарбиясига эътиборсизлигидир. Ёшларнинг болаликда меҳр-мурувватдан маҳрум қилиниши унинг руҳиятида безовталиқ, қўрқинч, нафрат каби ҳиссиётларни шакллантиради. Бу ҳиссиётлар онгсиз равишда қайд этиб борилади ва мурасасиз хулқ-атворнинг, жумладан унинг энг ашаддий қўриниши оилада ёшлар томонидан жиноятчиликнинг пайдо бўлишига олиб келади[8, 114].

Агар оилада маънавий-ахлоқий муҳит носоғлом бўлиб, эр-хотин ва бошқа оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирини менсимаслик, қўполлик, ҳурматсизлик мавжуд бўлса, бундай оилаларда ёшлар жиноятчиликнинг келиб чиқиши муқаррардир. Ҳар қандай воқеа ҳодисанинг, шу жумладан ёшлар томонидан жиноятчиликнинг содир этилишида криминоген омилларнинг таъсир этиши муайян оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, профессор И.Исмаилов таъкидлаганидек, оиладаги носоғлом вазият, уриш-жанжал оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоғлом муносабатлар шахс маънавияти салбий шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади[9, 160]. Қолаверса, бу борада, М.Х.Файзиева, «агар оилада оилавий муносабатлар ижобий бўлмаса ёки етарли даражада шаклланмаган бўлса унда турли муаммо ва низолар вужудга келади» [10, 36], деб ёзади.

Шу билан бирга, бу ерда ОАВ ўрни ҳам салмоқли. Бироқ, Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда болалар соғлиғига зарар етказувчи маълумотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Шунга қўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини **“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”** деб номланган 47<sup>6</sup> -модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

**“Ўзганинг мулки даҳлсизлигини инкор этувчи, мол-мулкни қонунга хилоф равишда, зўравонлик йўли билан эгаллаб олиш мумкинлигини оқлайдиган ва енил-елпи йўл билан бойишни тарғиб қиладиган;**

**ёшлар онгида қурол, шу жумладан совуқ қурол олиб юриш зарурлиги ёки эркак киши учун шарафлигини тарғиб қиладиган, ундан низо ёки жанжалларда фойдаланишга ундайдиган ёки оқлайдиган;”**

Мазкур таклифизни асослантириш учун қуйидаги мисолни келтириб ўтамиз. Жиноятларни содир этган ёшларнинг аксариятини ахлоқсиз, маънавияти паст, салбий хулқ-атворга эга бўлган ёшлар ташкил этади. Чунки, ҳаётда қўшгина ҳолларда муайян тоифадаги ёшлар ўзининг салбий хулқ-атвори, ахлоқсизлиги, маънавиятсизлигини намоён қилиб, тақроран қасдан жиноят содир этиши мумкин.

Мисол учун, 2000 й.т. Ш. 2018 йил 25 август куни тахминан соат 21<sup>30</sup>ларда ўзи норасмий равишда ишлаб келаётган Юнусобод туманида жойлашган МЧЖ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида бўла туриб, шу қандолат цехининг бошқа норасмий ишчиси 2001 й.т. Ф исмли қиз болага шилқимлиқ қилиб, унинг қўйлагини ечишини айтиб, кучоқлаганлиги оқибатида ўзаро жанжаллашиб қолган. Шундан сўнг Ф.ни қасдан ўлдириш мақсадида ушбу цехдан пичоқ олиб чиқиб, ушбу **пичоқ** билан Ф.нинг қорин соҳасига қасдан бир неча марта уриб, кесиб-санчилган тан жароҳати етказган ва воқеа жойидан яширинган. Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 27.08.2018 йилдаги 512-сонли хулосасига қўра Ф исмли қиз боланинг ўлими қорин олд томонидаги бу жароҳатлар шу жойларга ўткир, ясси, пичоқ тиғи типидagi санчиб-кесувчи жисм таъсирида етказилганлиги аниқланган[11].

Яна шуни айтиш лозимки, ёшлар жиноятчилигига кўп ҳолларда оилавий низолар сабаб бўлиб, бу уларнинг бир-бирига нисбатан тан жароҳат етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдиришга баъзида эса қасдан одам ўлдиришгача ҳам олиб келиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, оиладаги ёшларни ушбу қилмишларнинг содир этилишига олиб келувчи асосий омил - оиладаги носоғлом муҳит оқибатидир. Оиладаги носоғлом муҳит ота-онанинг ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик билан қарашига ва ёшларда салбий хулқ-атворнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу ўринда, «Бугунги куннинг ёки даврнинг тарбияси қандай?», деган ўринли савол туғилади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир оила бетакрор бўлиб, ўзининг объектив ва субъектив хусусиятларига эга. Ушбу хусусиятлар эса ёшларнинг шаклланишида салбий ёки ижобий таъсир ўтказиши. Жумладан, оиладаги носоғлом ва номақбул муҳит ёшларнинг маънавий-руҳий шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада ёшлар онгида жиноятчилик, ўзбошимчалик, фақат ўз манфаатларини ўйлаш каби иллатлар юзага келади. Агар биз объектив ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, оила-аъзоларнинг тўлиқ эмаслиги (эр ёки хотиндан бирининг йўқлиги), ота-оналарнинг ишсизлиги, моддий етишмовчилик кабилар ўзига хос ҳолатларнинг юзага келишидаги асосий омиллардир.

Маънавий тарбия ҳар бир оилада ўзига хос шаклда намоён бўлади. Тўғри, кўп ҳолатларда ичкиликбозлик, фоҳишабозлик каби иллатларни келиб чиқиши айтиб ўтилган тарбия таъсирида юзага келишини ҳам кўриш мумкин. Зотан, ушбу номақбул шароитлар оилаларда нисбатан кам кузатилсада, унинг салбий оқибатлари жамиятда ғоятда ачинарли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Бу каби салбий ҳолатлар маънавий-тарбиявий ишларда тўғридан-тўғри, яъни ота-оналар томонидан ёшларни жиноятчилик йўлига бошлашни мақсад қилиб олинмаган бўлсада, оилада ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги оила аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг жиноят йўлига киришига замин яратади.

Оилада маънавий тарбиянинг яхши эмаслигига яна бир омил унда носоғлом муҳитнинг мавжудлигидир, яъни ахлоқий келишмовчиликлар натижасида келиб чиқадиган ўзаро жанжал ҳамда бир-бирига нисбатан кўпол муносабатда бўлиш кузатилган оилада жиноятчиликга мойил ёшларнинг шаклланиши яхши шароитдаги оилага нисбатан кўпчиликни ташкил этишини кўриш мумкин. Ўзига хос равишда кўзга ташланмасида, аммо хавф туғдириши бўйича оилада нотўғри тарбия ҳам алоҳида эътиборни қаратишни талаб этади. Чунки нотўғри тарбия оқибатида ўзига хос яхши оилада ҳам жиноятчиликга мойил ёшларнинг етишишига замин яратиши мумкин.

**2. Ёшларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги.** Ёшларнинг маънавияти унинг ахлоқий фазилатлари билан белгиланади. Таҳлил қилинганда, жиноятчиликни келтириб чиқарадиган ёшларнинг аксарияти маънавияти ва ахлоқий фазилатлари юқори даражада эмаслиги маълум бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятчиликнинг содир этилишига ёшлардаги салбий хулқ-атвор туртки беради. Оиладаги нотўғри тарбия асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Бундай оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг яхши эмаслиги кўпинча низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Мисол учун, муқаддам судланган 1999 й.т. Д. ўзининг уйида 1970 й.т. Б. билан ўзаро ўртасида келиб чиққан низо оқибатида отасига «менга ақл ўргатманг» деб гап қайтариб, отасига жисмоний куч ишлатиб, отасининг қўқрак қисмига пичоқ билан уриб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган оғир шикаст етказган[12]. Ўз навбатида, ушбу жиноятчиликнинг келиб чиқишига асосий омил сифатида оилада ёшлар тарбиясида йўл қўйилган хатолик дейиш мумкин. Бу борада А.Авлоний таъкидлаганидек: «Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир»[13, 38].

Тарбия масаласи шундай оғирки, агар оилада фарзанд тарбиясида муайян хато ва камчиликлар юзага келганда у бартараф этилмас экан, бу албатта ўзининг салбий таъсири билан намоён бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги биринчидан энг аввало ота ёки онанинг маънавий-ахлоқий

тарбиясининг пастлиги билан боғлиқ эканлиги, иккинчидан, унинг оилада ўсиб келаётган ёшлар хулқ-атворида салбий хусусиятларнинг шаклланишига олиб келиши, учинчидан, ёшларнинг жиноятчиликни келтириб чиқариши, тўртинчидан, ёшлар ўртасида салбий муносабатларнинг юзага келишига ўз таъсирини кўрсатади.

### **3. Ёшларда мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор.**

Хуқуқшунос олима Н.К.Котова ахлоқий психологик зиддиятлар жиноятчи ёшларнинг шаклланишига замин яратиши мумкин[14, 31] эканлигини таъкидлайди. Ёшларда ғайриижтимоий ахлоққа зид маънавий-руҳий хусусиятлар криминоген вазиятларни келиб чиқишига туртки бўлиб, жабрланувчининг хулқи билан боғлиқ бўлади. Айнан жабрланувчининг салбий хулқ-атвори кўпинча оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг билан биргаликда профессор Қ.Абдурасулова тадқиқотларида кўриб чиқилган жами жиноятларнинг 59,8 фоизда жабрланувчиларнинг салбий хулқ-атвори, шу жумладан, алкоғолизм, айбдорнинг шахсига, унинг фарзандларига, хурматсизлик, уриш, калтаклаш, кўринишидаги зўравонлик жиноятларининг келиб чиқишига туртки берганлиги[15, 117-118], қайд этилган. Бундай қилмишларга ҳақорат, тухмат, камситиш, менсимаслик, инсон шаъни ва қадр-қимматини ерга уриш кабиларни киритиш мумкин.

Айни дамда, психолог А.Т.Кадилова таъкидлаганидек, эр-хотиннинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги низо ёки зиддиятлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир[16, 35-36]. Шу боисдан назаримизда, оилада ёшларнинг қасддан жиноят содир этиши кўпинча эр ёки хотиннинг бир-бирини хурмат қилмаслиги, ҳақорат қилиш, устидан кулиш, камситиш, менсимаслик каби омиллар ёшларда қасд ёки ўч олиш ниятининг шаклланишига олиб келади. Оиладаги муҳит ёшларнинг жиний хулқ мотивациясига бевосита таъсир кўрсатади. У ташқи ижтимоий ва бошқа омиллардан ташкил топиб, жиноят содир этган ёшларнинг шахсий хусусиятларига таъсир кўрсатади ҳамда жиноятчилик содир этишини белгилаб беради.

### **4. Ёшлардаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар.**

Ёшларнинг доимий меҳнат фаолияти билан шуғулланмаслиги ҳам хусусан доимий уйда бўлиш ҳолати, оилада моддий етишмовчиликга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда ёшларга хос бўлган биргина хусусият, яъни ишсизликнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталганда айтиш керакки, у жиноятчилик билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни озиклантиради ва ўсишига хизмат қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирда республикамизда ёшлар рецидив жиноятчиликнинг ҳар тўрттадан биттасини ишсиз юрган ёшлар ташкил этади.

Шу ўринда, 2020-2022 йилларда 18 ёшдан – 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан жами содир этилган 4,5 мингдан ортиқ рецидив жиноятчиликнинг 1,8 мингга яқин, яъни, 39,8 фоизини аниқ иш жойига эга бўлмаган ёшлар ташкил этган[17]. Демак, айнан шу «ишсизлик» тушунчаси жамиятда ёшлар рецидив жиноятчиликни келтириб чиқарувчи криминоген ҳолатлар билан узвий боғлиқ. Чунки айнан шу ишсизлик ҳолати ёшларни турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилишига ундайди.

Бир қатор олимларнинг фикрича, «жиноятчиликни содир этган ёшлар дунёси» хилма-хилликда бир-биридан ўзининг бойлиги билан ажралиб туради. Уларнинг сафида кимларни учратмайсиз! Жиноятчилик содир этмаса туролмайдиган «хавфли рецидивист»лар ўғрилар, босқинчилар, безорилар, гиёҳвандлар, товламачилар, фирибгарлар, фоҳишалар, назоратсиз ва қаровсиз қолган ёшлар, ўн саккиз ёшга тўлган лекин ишсизлик туфайли шу ишга қўл урганларни кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, ёшлар жиноятчилигининг келиб чиқишида моддий етишмовчиликнинг таъсири катта рол уйнайди, яъни ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг тўрттадан биттасига ушбу омил сабаб бўлганлигини кузатиш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, жиноятчиликни содир этган ёшларнинг аксарият қисмини ишсизлар, оилада носоғлом турмуш-тарзи юритувчилар, маълумотга эга бўлмаганлар, маънавияти ва дунёқараши ривожланмаганлар, атрофдагилар билан муносабати самимий бўлмаганлар, салбий хулқ-атворга эга тоифадаги ёшлар эканлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари яна бир таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, оиласида моддий етишмовчилик мавжуд бўлган ёшларнинг аксариятида доимий даромад манбаига эга бўлмаган, шунингдек бир оилада икки ёки ундан ортиқ оилаларнинг биргаликда яшашлари, уларда алоҳида рўзгор қилиш учун моддий имкониятнинг йўқлиги маълум бўлди.

Ёшларда уй-жой масаласи билан боғлиқ муаммолар кўпинча низоли вазиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Мазкур масала юзасидан Президент Шавкат Мирзиёев шундай дейди: «Аҳоли, айниқса, ёш оилалар, эски уйларда яшаётган ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, биз арзон ва сифатли уй-жойлар қуриш бўйича ишларни изчил давом эттираемиз. Шу мақсадда 2018 йилда намунавий ва арзон уй-жойлар қуриш кўламини жорий йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган»[18].

### **5. Ёшларнинг спиртли ичимликка ружу қўйиши.**

Ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи асосий омилардан бири бу – ёшларнинг спиртли ичимликка ружу қўйишидир. Маълумки, спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида ёшлар ўзининг хатти-ҳаракати оқибатини англаб етмаслиги, жамиятга, атрофдагиларга нисбатан бефарқлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш каби ҳолатлар ҳам келиб чиқади. Спиртли ичимлик, ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи асосий криминоген омиллардан бири бўлиб, унинг таъсирида кўпинча жиноятчиликнинг содир этилиши келиб чиққанлигини кузатиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, 2020-2022 йилларда ёшлар томонидан маст ҳолда содир этилган жиноятчилик таҳлили қуйдагича: 2020 йилда ёшлар томонидан маст ҳолда содир этилган жиноятчилик 398 та, 16,5 фоизини, 2021 йилда 426 та, 15,2 фоизини, 2022 йилда 494 та, 20,8 фоизини ташкил этган[19] Афсуски, ёшларнинг спиртли ичимликларни меъёридан ортиқ истемол қилиши ана шундай қилмишларнинг содир этилишига туртки бўлмоқда. Айни дамда, М.Қ.Ўразалиев алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида зўрлик ишлатиб, ғараз мақсадларда жиноятлар содир этилишига йўл очиб бериши[20, 55] мумкинлигини эътироф этади. Аслида, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳар қандай жиноятчиликнинг содир этилишига бевосита таъсир кўрсатувчи криминоген омил ҳисобланади.

В.И.Шахов тўғри таъкидлаганидек, алкоғолизмга ружу қўйиш ёшлар томонидан содир этиладиган оғир ва ўта оғир жиноятларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир[21, 8].

Ф.Тахировнинг тадқиқотларида, жинсий жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 35 фоизини оиласида она-она ёки оиланинг бошқа ёши каттароқ аъзоси мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, шунингдек бошқа ғайрияхлоқий ҳаракатлар содир этилиши қайд этилган[22, 276]. Ичкиликбозликнинг ижтимоий хавфли томони шундаки, ичкиликни истеъмол қилган вақтда ёшларнинг руҳиятида тушкун ҳолатлар юзага келиб, ёшларнинг криминогенлик даражаси юқори бўлади. Бундай ҳолатларда ёшлар ўзини бошқара олмаслиги, бошқалар билан жанжаллашиши, турли кўринишдаги жиноятчиликни содир этиши кузатилади. Гарчи, Э.П. Абовян тўғри қайд этганидек, спиртли ичимлик таъсирида жиноят содир этувчи шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаб шароитларини ўрганиш учун алкоғолга ружу қўйган шахсларнинг белгилари ва жинсий ҳаракатини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим[23, 16].

Таъкидлаш керакки, ичкиликбозликка ружу қўйган шахсларнинг оиласида низолар, ота ва оналар ўзининг мажбуриятларини бажармаслиги, моддий қийинчиликлар, нотўғри тарбия ва ёшлар ўртасида алкоғолизм ва жиноятчиликнинг ўсиши кузатилади[24, 13]. Бизнингча, ичкиликбозлик оқибатида биринчидан, мунтазам равишда ёшлар ўртасида криминоген вазиятларнинг юзага келиши, иккинчидан, ёшлар томонидан ҳаёт ва соғлиққа қарши ғаразли мотивларда оғир турдаги жиноятлар содир этилади, учинчидан, ёшлар тарбияси бузилади, тўртинчидан, жамият катта зарар кўришига олиб келади.

Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар жиноятчилиги – бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий камчилик ва хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолган ва

жиноятчиликга қўл урган ёшларимизни жамиятга қайтариш – аввало, биз, ёши катталар ва масъуллар ҳамда ота-оналар зиммасидадир.

Юқорида олимларнинг билдирилган фикрларини инобатга олиб, таъкидлаш мумкинки, жиноятни келтириб чиқарган омилларни ўрганишда уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Зеро, ёшлар жиноятчилиги ҳар бир жамиятнинг яшаш тарзида ўзига хос равишда шаклланишини эсдан чиқармаслик лозим. Нафақат жамиятда, шу билан бирга, ёшлар жиноятчилигининг у ёки бу ҳудуддаги яшаш тарзига кўра ҳам шаклланишини илм аҳли исботлаган. Бу ҳолатни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ва айниқса қишлоқ жойларда ўзига хос равишда кечишини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Бу каби муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этилмаганлиги ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисининг, айниқса ёшларнинг шаҳарга оммавий равишда иш излаб келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқдан шаҳарга иш ахтариб келаётган ёшлар олдида шаҳарда яшаш учун турар жой топиш, бирор касбга эга бўлиш учун иш ўринларини қидириш, шаҳар ҳаётига мослашиш каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар қатор салбий оқибатларга, жумладан юқоридаги ёшларнинг бир қисмини жиноий йўлга кириб кетишига, турли хил мақсадларда ёшлар жиноятчилиги содир этилишига олиб келади.

Ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга жамиятнинг муносабати ҳозирги вақтда ўз ечимини топмаган энг асосий муаммолардан биридир. Бироқ, айти пайтда, қуйидаги омиллар бу муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда:

а) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшларнинг ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, ҳамда ўзга зарарли иллатларга кирмасликларига қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирлар етарли даражада эмаслиги;

б) иш топишда қийналаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш масаласи етарли даражада эмаслиги;

в) ёшларни тадбиркорликка жалб этишга, касбга йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашишда камчиликларнинг мавжудлиги;

г) маҳалаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар, клублар ташкил этишда камчиликларнинг мавжудлиги;

д) ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолият етарли даражада эмаслиги;

е) ёшлар жиноятчилигини барвақт аниқлаш ва бартараф этишда аниқ тизимнинг мавжуд эмаслиги.

Ушбу салбий жараёнлар жамиятда мавжуд бўлган бошқа бир қатор салбий ҳодиса, воқеа ва жараёнлар билан алоқада бўлган жиноятчиликнинг шунингдек, ёшлар жиноятчиликнинг ҳиссасини ортишига олиб келади.

Фикримизча, ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар томонидан ўртага қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканини англаб етишлари керак. Шу боисдан ҳам жамиятимизда ёшларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида фаол иштирок этадиган қилиб тарбиялаш ва йўналтириш, ҳар бир оиланинг, фуқаронинг, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бурч ва вазифаси ҳисобланади.

И.Исмаилов таъкидлаганидек, оиладаги носоғлом вазият, уриш-жанжал оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоғлом муносабатлар шахс маънавияти салбий шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади[25, 179].

Шундай қилиб, ушбу ёшлар жиноятчилигининг келиб чиқишига асосий омил сифатида оилада ёшлар тарбиясида йўл қўйилган хатолик дейиш мумкин. Демак, ёшлар

жиноятчилигини келиб чиқишини таъминловчи ва озиклантирувчи омилларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Ўтказилган социологик сўровномалар нуқтаи назаридан ёндашилса, ёшлар жиноятчилигини келтириб чиқарувчи ва уни озиклантирувчи омилларда қуйидаги ёшларни алоҳида инобатга олиш лозим.

**18-19 ёшдагиларга:** оила аъзолари билан қулай оилавий муносабатларни шакллантириш борасида ишлаш; бу соҳасидаги профилактик чораларни белгилашда тенгдошлари ва ёшлар гуруҳи пешқадамларини фаол жалб қилиш ҳамда ёшлар учун ижтимоий намуна йўналишларини тарғиб қилиш; соғлом авлод манфаатлари доирасини шакллантириш.

**20-22 ёшдагиларга:** оила аъзолари билан ёшлар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш йўналишларида ишлаш ҳамда оилада ота-она ва фарзарнд ўртасида ишончли муносабатларни шакллантириш, шунингдек мазкур мақсадда педагоглар билан ишлаш; ижобий манфаатлар даражасида танишлар орттириши учун ўзаро ишонч муносабатлар доирасини шакллантириш; ўзини ўзи англашга ёрдам бериш ҳамда касбга йўналтириш бўйича тегишли ишлар олиб бориш.

**23-25 ёшдагиларга:** ёшлар жиноятчилигининг натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва бошқа хавф-хатар омиллари тўғрисида хабардор қилиш; зарарсизланиш усуллари, уларни барвақт олдини олиш ҳамда ўз ўзига ишонч ҳиссини ривожлантириш, оилавий муносабатлар ҳамда касбга йўналтириш кабилардир.

**26-30 ёшдагиларга:** жиноятчилик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва бошқа хавф-хатар омиллари тўғрисида хабардор қилиш; оилавий ҳаёт шароити, иш жамоаси билан самарали алоқага киришиш бўйича тренинглар ўтказиш. Маҳалла, ташкилот, корхона, таълим муассасалари ва х.к. Шунинг учун ҳам ёшлар жиноятчилигининг омилларини аниқлашда асосан турли эскилик сарқитларини омма онгига киритмаслик асосида тарғиб этилади. Шундай бўлса-да, бир қатор олимлар ёшлар жиноятчилигининг юзага келишига таъсир этувчи кўплаб омиллар мавжудлигини эътироф этган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда»[26]. Шундай муаммолар оилада камол топаётган болалар тарбиясига, оила муҳитига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, сўнгги пайтларда эр-хотиннинг оилавий ажримлари сони ортиб бормоқда. Энг ачинарлиси, ажрашаётган оилаларнинг аксариятида вояга етмаган тарбия ва парваришга муҳтож ёш болалар мавжуд. Тадқиқотимиз давомида оилавий ажримлар таҳлил қилинганида, мамлакатимизда 2019 йилда 31683 та, 2020 йилда 28 233 та, 2021 йилда 39 227 та, 2022 йилда 48 734 та оилалар ажримлар қайд этилган. Ачинарли томони шундаки, сўнгги пайтларда оилавий ажримларнинг сони анча ортган. Мисол учун, 2019 йил билан 2022 йил таққосланганда, 2022 йилда 2019 йилга нисбатан оилавий ажримлар қарийб 35% га сони ортган. Ушбу оилаларнинг 85 фоизидан кўпроғини ёш оилалардан ташкил топганлиги масаланинг нақадар долзарб эканлиги кўрсатади. Шу боис, ёшларни оила қуришга тайёрлашда уларни миллий кадрият, урф-одат ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашимиз лозим.

Г.Исмоилова оилада низоларни келиб чиқишида, эрта турмушга чиқиш қизларни нафақат соғлом зурриёдни дунёга келтиришига тўсқинлик қилади, балки уларнинг ҳаётда илм ва ҳунар ўрганишларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади[27, 91] дейди. Шу боисдан, ёшларни эрта оила қуриш масаласи ижобий жиҳатдан ҳал қилинмаса оилада низоларнинг келиб чиқиши ва оилавий ажримларга сабаб бўлаётган ҳолатни камайтиришнинг имкони бўлмайди. Зеро, халқнинг «... давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобеъ, қул ва асир бўлиши, болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ»[28, 262].

Фикримизча, оилавий ва ижтимоий ҳолат ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларда оилавий ҳаёт

ва турмуш тарзига хос тўғри тасаввурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш курганларида оила-никоҳ муносабатларидан коникқмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайдиган зарур фазилатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шундан маълумки, исталган бир тузумни насл-авлодсиз ёки ушбу авлодни тарбия жараёнисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув кўлланма. – Т., 2006. – Б.51. (Abdurasulova Q.R., Niyozova S.S. Crime and Criminal Personality Problems: Textbook. - T., 2006. - P.51)
2. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишаллик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. — Т., 2016. — Б. 18. (Urazaliyev M.K. Connection of alcoholism, prostitution and drug addiction with crime, their criminological features and improvement of prevention: Abstract of the doctoral dissertation. - Тошкент, 2016. - P. 18.)
3. Зарипов З.С., Мухторов Ж.С. Майший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 303. (Zaripov Z.S., Mukhtorov J.S. Criminological characteristics and prevention of domestic crimes // Criminology. Special Part: Textbook / Team of authors. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015. - P. 303.)
4. Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. — Т., 2018. — Б. 22-23. (Rasulev A.K. Improvement of Criminal-Legal and Criminological Measures to Combat Crimes in the Field of Information Technologies and Security: Abstract of the dissertation of Doctor of Science (DSc) in Law. - Тошкент, 2018. - P. 22-23.)
5. Махкамов О.М. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Докторлик диссертацияси автореферати. — Т., 2015. — Б. 10. (Makhkamov O.M. Criminal-Legal and Criminological Aspects of Tax and Other Mandatory Payment Evasion: Abstract of the Doctoral Dissertation. – T., 2015. - P. 10.)
6. Лекарь А.Г. Профилактика преступлений.–М., 1972.–С.45; Зелинский А.Ф. Значение нормы уголовного права для предупреждение преступлений. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –М., 1966.–С.4. (Lekar A.G. Crime Prevention. -M., 1972. -P.45; Zelinsky A.F. The Importance of Criminal Law Norms for Crime Prevention. Abstract of the dissertation of Cand. of Juridical Sciences. -M., 1966. -P.4.)
7. Авенесов Г.А. Криминология.–М., 1984. – С.339. (Avenetsov G.A. Criminology. -M., 1984. - P.339.)
8. Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. – М.: Юридическая литература. 1992. – С. –114. (Antonyan Yu.M. Reasons of Criminal Behavior. - M.: Legal Literature. 1992. - P. 114.)
9. Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... – Т., 2006. – Б. 160. (Ismailov I. Theoretical and Organizational-Legal Support for the Prevention of the Activities of Organized Criminal Formations: Diss... - T., 2006. - P. 160.)
10. Файзиева М.Х. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (эр-хотин мисолида). Псих. фан. ном. дис. ... – Т., 2005. – Б. 36. (Fayziyeva M.Kh. Socio-psychological features of the influence of interpersonal relations on family stability (on the example of husband and wife). Psych. sci. nom. dis.- T., 2005. - P. 36.)

11. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди архиви материаллари 116-42-сонли жиноят иши. (Materials of the archive of the Yunusabad District Criminal Court of Tashkent, Criminal Case No. 116-42.)
12. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди архиви 2/104-7-сонли иш. (Archive of the Yunusabad District Criminal Court Case No. 2/104-7.)
13. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2006. – Б. 38. (Abdulla Avloniy. Selected Works. Volume 2. - T., 2006. - P. 38.)
14. Котова Н.К. Виктимологические проблемы криминальной агрессии. –Астана, 2001. –С. 31. (Kotova N.K. Victimological Problems of Criminal Aggression. - Тошкент, 2021. -P. 31.)
15. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс. ... –Т., 2006. –Б. 117-118. (Abdurasulova K.R. Criminal-Legal and Criminological Problems of Women's Crime: Doctor of Juridical Sciences Diss.... - T., 2006. - P. 117-118.)
16. Кадилова А.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши. псих. фан. ном. дисс. ... – Т., 2007. –Б. 35-36. (Kadirova A.T. Formation of social ideas about family conflicts in adolescents. - T., 2007. - Б. 35-36.)
17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жинойий-ҳуқуқий статистика бошқармасининг 2019-2022 йиллар бўйича статистик маълумотлари. (Statistical data of the Department of Criminal Law Statistics of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan for 2019-2022.)
18. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // Ҳалқ сўзи. – 2017 йил 16 июнь. (Mirziyoyev Sh.M. Let's act more unitedly and resolutely on the path to the fate and future of our Motherland // People's Word. - June 16, 2017.)
19. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жинойий-ҳуқуқий статистика бошқармасининг 2020-2022 йиллар бўйича статистик маълумотлари. (Statistical data of the Department of Criminal Law Statistics of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan for 2020-2022.)
20. Ўразалиев М.Қ. «Алкоголизм» ва «ичкиликбозлик» тушунчаси бундай иллатларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида // Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси Ахборотномаси. – 2014. – №3. – Б. 55. (Urazaliyev M.K. The concept of "alcoholism" and "drunkenness" about the legal consequences of such vices // Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. - 2014. - No3. - P. 55.)
21. Шахов В.И. Насилие в семье: уголовно-правовое и криминологическое значение: автореф. дисс. ... кан. юрид. наук. – Казань. 2003. –С. 8. (Shakhov V.I. Violence in the Family: Criminal-Legal and Criminological Significance: Abstract of Diss.... Cand. Juridical Sciences. - Kazan. 2003. -P. 8.)
22. Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс.-я. –Т., 2007. –Б. 276. (Takhirov F. Problems of Responsibility for Sexual Crimes under the Law of the Republic of Uzbekistan: dissertation of Doctor of Juridical Sciences. - T., 2007. -P. 276.)
23. Абовян Э.П. Предуприждение преступлений, совершаемых в состоянии алкогольного опьянения в семейно-бытовой сфере: афтореф. дис. кан. юрид наук. –Рязань, 2011. – С. 16.(Abovyan E.P. Prevention of crimes committed in a state of alcoholic intoxication in the family and domestic sphere: abstract of diss. cand. jurid. sciences. - Тошкент, 2021. - P. 16.)
24. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фохишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: автореф. юрид. фан. док. дисс. –Т., 2016. –Б. 13. (Urazaliyev M.K. Connection of alcoholism, prostitution, and drug addiction with crime, their criminological features, and improvement of prevention: abstract of the dissertation of Doctor of Juridical Sciences. - Тошкент, 2016. -P. 13.)
25. Исмаилов И. ва бошқалар. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма. / Масъул муҳаррир И.Исмаилов. –Т.: Республика

болалар ижтимоий мослашув маркази, 2011. –Б. 179.(Ismailov I. et al. Prevention of Neglect and Juvenile Delinquency: Training and Practical Guide. / Editor-in-Chief I. Ismailov. -Т.: Republican Center for Social Adaptation of Children, 2011. -P. 179.)

**26.** Мирзиёев Ш.М. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби. // Ҳалқ сўзи. – 2017 йил – 15 июнь.(Mirziyoyev Sh.M. Ensuring social stability, preserving the purity of our sacred religion - a requirement of the times. // People's Word. - 2017. - June 15.)

**27.** Исмолова Г. Оила ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминловчи омил сифатида // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари журнали. – Т., 2013. – №1 (61). – Б. 91.(Ismolova G. Family as a factor ensuring socio-political stability // Social thought. Human Rights Journal. - Т., 2013. - No. 1 (61). - P. 91.)

**28.** Фитрат А. Танланган асарлар. Оила ёки бошқариш тартиблари. –Т., 2006. – Б. 262. (Fitrat A. Selected Works. Family or management procedures. - Т., 2006. - P. 262.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000